
Ўзбекистон тумани ҳокимига янги ўринбосар тайинланди

Ахмедов Муслимжон Мўминжон ўғли Ўзбекистон тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Муслимжон Ахмедов 1991 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. 2016 йилда Қўқон давлат педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2016 йилда Фарғона вилоят давлат архиви мутахассиси вазифасида бошлаган Муслимжон Ахмедов кейинчалик, 2018-2020 йилларда Фарғона вилоят давлат архиви директори вазифасида фаолият юритган.

Лавозимга тайинлангунга қадар Қува туман давлат архиви директори вазифасида меҳнат қилаётган эди.

2022-02-14 13:24:53